13. Сиёсий тизимлар типологияси.
14. Сиёсий тизим ва сиёсий режим типологияларининг таснифи.
15. Очиқ ва ёпиқ сиёсий тизимларнинг замонавий хусусиятлари.
16. Ўтиш типидаги сиёсий тизимлар.
17. Авторитаризм ижтимоий-сиёсий тузумнинг алоҳида тури сифатида.
18. Тоталитаризм ижтимоий-сиёсий тузумнинг алоҳида тури сифатида.
19. Турли мамлакатларнинг авторитаризмдан демократияга ўтиш тажрибаси.
20. Демократик транзит муаммолари.
21. Демократия жамият сиёсий тизимининг бошқарув шакли сифатида.
22. Давлат ижтимоий-сиёсий тизимларнинг субъекти сифатида. Сиёсий режимлар (тартиботлар).
23. Жамият сиёсий тизимининг тузилмавий компонентлари.
24. Сиёсий тизимда давлат бошқаруви.
25. Ташкилотчилик назарияси: замонавий сиёсий тизимларнинг нобюрократик тармоқли тузилмалари.
26. Сиёсий партиялар жамият сиёсий тизимининг ажралмас қисми сифатида .
27. Парламентаризм институтининг жамият сиёсий тизимини ривожидаги роли. (Парламентаризм сиёсий ҳокимият легитимлигининг омили сифатида).
28. Жамиятнинг ижро этувчи органлари тизими.
29. Давлат бошлиғи (президентлик) институти.
30. Суд ҳокимияти институтлари.
31. Жамиятнинг сайлов тизими. Сайлов сиёсий институт сифатида.
32. Сиёсий маданият.
33. Халқаро муносабатларни тизимли ўрганиш.
34. Замонавий мамлакатларнинг сиёсий тизимлари (қиёсий таҳлил).
35. АҚШ давлат ва муниципал бошқаруви тизими фаолиятининг ташкилий-ҳуқуқий асослари.
36. Германия Федератив Республикасида давлат ва муниципал бошқарув тизими фаолиятининг ташкилий-ҳуқуқий асослари
37. Буюк Британия давлат бошқаруви ташкил этилишининг ўзига хос хусусиятлари.
38. Замонавий Россия жамияти сиёсий тизимининг хусусиятлари.
39. Замонавий Япония мамлакатининг сиёсий тизими.
40. ХХРнинг сиёсий тизими ва давлат тузилиши.
41. Миллий тарихий анъаналар асосида Франция сиёсий тизимининг шаклланиши.
42. Италиянинг давлат тузилиши ва сиёсий тизими.
43. Корея Республикасининг замонавий сиёсий тизими.
44. Сингапур давлат тузилиши ва сиёсий тизими.



**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ**
**ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**МИРЗО УЛУҒБЕК НОМИДАГИ**
**ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ**

**"ТАСДИҚЛАЙМАН"**
_______________
(ЎзМУ ректори)
2021 йил "26" 08

# СИЁСИЙ ТИЗИМ

# ФАНИНИНГ ЎҚУВ ДАСТУРИ

| | |
|---|---|
| **Билим соҳаси:** | 300 000 – Ижтимоий фанлар, журналистика ва ахборот. |
| **Таълим соҳаси:** | 310 000 – Ижтимоий ва хулқ атворга оид фанлар. |
| **Таълим йўналиши:** | 60310700 – Сиёсатшунослик |

Тошкент-2021

| Фан/модуль коди | Ўқув йили | Семестр | Кредитлар | |
|---|---|---|---|---|
| STIB-112 | 2021-2022 | 1-2 | 12 | |
| Фан/модуль тури | Таълим тили | | Ҳафтадаги дарс соатлари | |
| Мажбурий | Ўзбек | | 4,6 | |
| 1. Фаннинг номи | | Аудитория машғулотлари (соат) | Мустақил таълим (соат) | Жами юклама (соат) |
| Сиёсий тизим | | 150 | 210 | 360 |

2. **I. Фаннинг мазмуни**

Фанни ўқитишдан мақсад – сиёсий тизим назариясининг фундаментал асосларини комплекс,тизимли равишда очиб бериш, сиёсий тизим борасидаги асосий методологик ёндашувларни ўрганишга асосланган мустаҳкам билимлар базасини, сиёсий тизимларнинг сиёсий таҳлил усуллари, сиёсий тизимлар типологияси ҳақида билимларни шакллантириш, талабанинг сиёсий тафаккури ривожланган, профессионал сиёсатшунос сифатида шаклланишига ҳисса қўшиш, ўзлаштирилган билимларни амалиётда татбиқ этиш кўникмасини ҳосил қилишдан иборат.

Фаннинг вазифаси - талабалар томонидан сиёсий тизимлар назариясининг асосий тушунчаларини ўзлаштириш, тегишли компетенцияларни шакллантириш, сиёсий тизимлар таҳлилига услубий ёндашувлар мазмунини очиб бериш, сиёсий тизимлар динамикасини,сиёсий тизимлар типологиясинисиёсий таҳлил қилиш кўникмасини шакллантириш, халқаро муносабатлар таҳлилида сиёсий тизимлар назариясини қўллаш техникасини ўзлаштириш, бўлажак мутахассисларнинг ижтимоий ва касбий муаммоларни ҳал қилишда фаол шахсий позициясини шакллантириш орқали фуқаронинг жамиятдаги ўрни ва аҳамиятини очиб бериш.

**II. Асосий назарий қисм (маъруза машғулотлари)**
**II.I. Фан таркибига қуйидаги мавзулар киради:**

**1-мавзу. Сиёсий тизим фанининг предмети, объекти, мақсади ва вазифалари. Тизим тушунчаси ҳақидаги қарашларнинг эволюцияси.**

Сиёсий тизимфани сиёсатшуносликнинг асосий таркибий қисми сифатида юзага келиши. Сиёсий тизим фанининг предмети, объекти, мақсад ва вазифалари. Фаннинг функциялари ва методлари. Сиёсий тизим фанининг бошқа ижтимоий фанлар билан ўзаро алоқадорлиги.



**29-мавзу. Сингапур давлат тузилиши ва сиёсий тизими.**

Сингапур конституцияси.Сингапур парламент типидаги давлат сифатида. Давлат бошқарув тамойиллари. Бир палатали парламент-қонун чиқарувчи ҳокимиятнинг олий органи. Вазирлар маҳкамаси- ижро этувчи ҳокимиятнинг олий органи. Президент- давлат бошлиғи. Сингапурнинг суд-ҳуқуқ тизими, назорат органлари ва уларнинг фаолияти.Сингапурнинг сайлов тизими ва унинг хусусиятлари. Сингапурнинг кўппартиявийлик тизими ва унинг ўзига хослиги.

**30-мавзу. Тараққиётнинг янги босқичида Ўзбекистон сиёсий тизимининг хусусиятлари.**

Ўзбекистон Республикаси давлат бошқаруви тизими фаолиятининг конституциявий-ҳуқуқий асослари. Ўзбекистон давлати худудий ташкил этилишининг ўзига хослиги. Ўзбекистоннингсиёсий тизими: институционал ўлчов. Давлат суверенитети. Давлат қурилиши ва жамиятни ташкил этишда миллий компонент. Давлатнинг маъмурий-худудий бўлиниши. Тараққиётнинг янги босқичида сиёсий тизим фаолиятининг хусусиятлари. Ўзбекистонда маҳаллий ўз-ўзини бошқариш. Ўзбекистондаги кўппартияйилик тизими ва унинг ўзига хос хусусиятлари.

**III. Амалий машғулотлари буйича кўрсатма ва тавсиялар**

***(Лаборатория ишлари), (Семинар машғулотлари), (Курс иши),***
***(Мустақил таълим)****ўқув режада кўрсатилган тури (номи) бўйича ёзилади)*

Амалий машғулотлар учун қуйидаги мавзулар тавсия этилади:

1. Сиёсий тизим фанига кириш. Тизим тушунчаси ҳақидаги қарашларнинг эволюцияси.
2. Ижтимоий тизим назарияси асосчиларининг ғоялари.
3. Т.Парсонс ижтимоий тизим концепциясининг таҳлили.
4. Сиёсий тизим таҳлилига институционал ва тизимли ёндашувлар.
5. Тузилмавий-функционал ва тизимли ёндашувлар .
6. Г.Алмондга кўра сиёсим тизимнинг тузилмавий-функционал модели.
7. Сиёсий тизим тушунчаси ва уни таҳлил қилишнинг асосий ёндашувлари.
8. Д.Истонга кўра сиёсий тизим ривожини таҳлил қилишнинг тизимли ёндашуви.
9. К.Дойчга кўра сиёсий тизимнинг кибернетик модели.
10. Сиёсий тизимларни таҳлил қилишда модернизация ва транзитология назариялари.
11. Сиёсий тизим моделлари.
12. Сиёсий тизимнинг «кириш», «чиқиш», ижтимоий муҳитга таъсир қилувчи омиллари таҳлили.

унинг ўрни. Япония парламенти фаолиятининг меъёрий-ҳуқуқий асослари. Япония парламентида қонунчилик жараёнлари.Урушдан кейинги Японияда сайлов тизими ва унинг хусусиятлари. Давлат бошқаруви ва давлат сиёсатини ишлаб чиқиш. Японияда маҳаллий ўз-ўзини бошқариш. Япониянинг партиявий тизими ва унинг хусусиятлари.

**25-мавзу. Хитой Халқ Республикасининг сиёсий тизими ва давлат тузилиши.**

Хитой Халқ Республикасининг давлат тузилиши. Хитой Халқ Республикаси конституцияси ва қонунчилик тизими.Хитой халқ сиёсий маслаҳат кенгаши ва партиявий тизими. Хитой Халқ Республикасидавлат органлари тизими. Халқ вакилларининг умумхитой кенгаши. Хитой Халқ Республикасининг бошлиғи (раиси). Давлат кенгаши. Марказий ҳарбий кенгаш. Халқ вакиллари ва маҳаллий халқ ҳокимиятларининг маҳаллий кенгашлари. Халқ суди. Халқ прокуратураси.

**26-мавзу. Миллий тарихий анъаналар асосида Франциясиёсий тизимининг шаклланиши.**

Франция сиёсий тизимининг шаклланиш тарихи. Франция давлатининг тузилиши. Франция конституцияси. Францияда қонун чиқарувчи,ижро этувчи ва суд ҳокимияти. Президент ва бош вазирнинг давлат бошқарувидаги роли. Францияда маҳаллий ўзини-ўзи бошқариш органлари ва уларнинг фаолияти. Сиёсий партиялар ва касаба уюшмалари фаолиятининг хусусиятлари. Франциянинг ички ва ташқи сиёсати.

**27-мавзу. Италиянинг давлат тузилиши ва сиёсий тизими.**

Италиянинг сиёсий тизими (давлат тузуми, сиёсий партиялар, сайлов тизимлари, қонун чиқарувчи, ижро етувчи ва суд ҳокимияти органлари, фуқаролик жамияти ташкилотлари).Бошқарув шакли ва Италиянинг давлат тузилиши. Сиёсий партиялар ва партиявий тизими.Марказий давлат ҳокимияти органлари. Парламент. Президент, унинг ҳуқуқ ва ваколатлари. Италия ҳукумати.Конституциявий Суд. Суд тизими. Маъмурий бўлиниши.

**28-мавзу. Корея Республикасининг замонавий сиёсий тизими.**

Корея Республикаси Конституцияси ва конституциявий тизимнинг эволюцияси. Корея Республикасининг ҳуқуқий тизими. Қонун чиқарувчи ва ижро этувчи ҳокимият, Вазирлар маҳкамаси.Миллий кенгаш, Корея Республикаси Президенти. Миллий кенгашнинг таркиби ва тузилиши. Сайловтизими. Сайловда иштирок етиш учун номзод кўрсатиш тартиби. Қонун чиқарувчи органнинг вазифалари. Миллий кенгаш қўмиталари. Қонун лойиҳаларининг ҳолати ва улардан ўтиш тартиби. Корея Республикасида ижро этувчи ҳокимият. Давлат Кенгаши ва унинг вазифалари. Корея Республикасининг партиявий тизими.



«Тизим» тушунчаси тўғрисидаги қарашлар эволюцияси. Жамият тизимлилиги ҳақидаги ғояларнинг пайдо бўлиши ва ривожланиши.Людвиг фон Берталанфининг «Тизимларнинг умумий назарияси» концепцияси. Тизимларнинг умумий назариясифанлараро тадқиқот соҳаси сифатида. «Тизим» тушунчасининг таърифи. Тизим сифатлари. Тизимларнинг классификацияси. Тизим ёндашуви ва тизим таҳлили: умумий ва махсус. Тизимли ёндашув ва тизимли таҳлил тамойиллари: умумий ва хусусий.

**2-мавзу. Ижтимоий тизим назарияси асосчиларининг ғоялари.**

Ижтимоий ва сиёсий тизимларни таҳлил қилишда тузилмавий-функционал ёндашувнинг прогностик имкониятлари. Функционализмнингшаклланиш тарихи: Б. Малиновский ва А. Редклифф-Брауннинг ғоялари. Э.Дюркгейм: ижтимоий фанларнинг усуллари. Бирдамлик тушунчаси. Бирдамликнинг механик ва органик турлари. Ҳуқуқий тизимларнинг турлари. Аномия. Р.Мертон: функциялар ва дисфункциялар, аниқ ва латент функциялар.

**3-мавзу. Тузилмавий-функционал ва тизимли ёндашувлар .**

Жамиятнинг функционал бирлигининг танқиди. "Сиёсий машина" нинг функциялари. Ижтимоий тизимлар назарияси: муаммолар ва истиқболлар. Н.Луман жамият ҳақидаги тизимли тасаввурларнинг ривожланишиҳақида. Т.Парсонснинг ижтимоий ҳаракат ва ижтимоий тизим концепцияси. Тузилмавий-функционализмнинг асосий категориялари: ижтимоий ҳаракат, ижтимоий роль, тузулма, функция. Ижтимоий ҳаракатнинг тузилиши. Ижтимоий тизим ва ижтимоий муҳит. Ижтимоий тизимга қўйилган тўрт функционал талаблар: мақсадга эришиш, мослашиш, интеграция ва латентлик.Т.Парсонс концепциясида ҳокимият тушунчаси. Сиёсат қуйи тизимларининг хусусиятлари.

**4-мавзу. Сиёсий тизим тушунчаси ва уни таҳлил қилишнинг асосий ёндашувлари.**

Сиёсий тизим: ёндашувларнинг ўзгарувчанлиги. Сиёсий тизим методологик ва онтологик категория сифатида. Сиёсий тизим таҳлилига институционал ва тизимли ёндашувлар. Сиёсатнинг макро таҳлили сифатида тизимли ёндашув. Тизимли ёндашувнинг сиёсат таҳлилига нисбатан жиҳатлари: тизимли-копонент, тизимли-таркибий, тизимли-интегратив, кибернетик, тизимли-функционал. Сиёсий тизим сиёсий қарорлар қабул қилиш ва амалга ошириш жараёнига таъсир этувчи тузилмалар мажмуи

сифатида. Сиёсий тизимнинг тузилиши: институционал, меъёрий, коммуникатив, сиёсий-маданий, функционал қуйи тизимлар. Сиёсатнинг институционал қуйи тизимининг асосий таркибий қисмлари.Меъёрий қуйи тизим элементлари: ҳуқуқ, жамоат ташкилотлари фаолияти нормалари, урф-одатлар, анъаналар, ахлоқ. Сиёсий-маданий қуйи тизим элементлари. Сиёсий хулқ-атворда сиёсий билим ва қадрият йўналишларининг ўрни. Сиёсий анъаналар ва рамзлар. Сиёсий мифлар.Сиёсатнинг функционал қуйи тизими. Сиёсий режим сиёсий муносабатларнинг функционал жиҳати сифатида.

**5-мавзу. Сиёсий тизим моделлари.**

Сиёсий тизимнинг тизимли, тузилмавий-функционал, кибернетик, маданий моделлари. Сиёсатни тизимли таҳлил қилишнинг асосий хусусиятлари. Д. Истон "кириш-чиқиш" сиёсатининг тизимли модели. "Сиёсий тизим" тушунчасининг методологик тамойиллари: конструктивлик, мослашувчанлик, рефлексивлик, очиқлик. Сиёсий тизимнинг"кириш"ва "чиқиш" импулслари. Талаблар ва қўллаб-қувватлаш, режимни қўллаб-қувватлаш манбалари. Сиёсий қўллаб-қувватлаш объектлари ва унинг турлари. Легитимликнинг мафкуравий, тузилмавий ва шахсий турлари. Сиёсий жараёнлар сиёсий тизимнинг даврий фаолияти сифатида. Г.Алмондга кўра сиёсий тизимининг тузилмавий-функционал модели. Сиёсий тизим элементлари.К.Дойч сиёсий тизимнинг кибернетик модели. Сиёсатнинг коммуникатив қуйи тизимини тавсифлаш борасидаК.Шеннон ва Н.Винер концепциясининг аҳамияти. Анъанавий тузилмавий-функционализм ва тизимли таҳлилнинг танқиди. Замонавий сиёсий таҳлилда институционаллик ва янги институционаллик (Д.Марч, Д.Олсен, П ди Маджио). П.Бурдьенинг сиёсий майдон назарияси. Э.Гидденснинг тузилиш назарияси.

**6-мавзу. Сиёсий тизимнинг «кириш», «чиқиш», ижтимоий муҳитга таъсир қилувчи омиллари таҳлили.**

Сиёсий тизимга "кириш"да сиёсий талабларни ифодаловчи ва жамловчи (артикуляция ва агрегация) агентлари.Сиёсий тизимга "кириш" импульсларининг тизим ичидаги конверсияси ва уларнинг "чиқиш"даги қарор ва ҳаракатларда ифодаланиши. Сиёсий тизимдаги "чиқиш" тизим шакллантирувчи омил сифатида. Сиёсий тизимнинг "чиқиш"ларини баҳолаш мезонини ишлаб чиқувчи ёндашувлар. Ж.Ван Гиг, М.Шмидт: эквифункционаллик тушунчаси. Сиёсий режим тури ва иқтисодий самарадорлик ўртасидаги узаро боғлиқлик. Давлатнинг ижтимоий сиёсати сиёсий тизим фаолиятининг асосий натижаси сифатида. Давлат сиёсатининг



давлат-худудий ташкил этилиши асослари. Давлат ҳокимияти олий органлари тизими. АҚШ Президенти: сайланиш тартиби, давлат бошқаруви тизимидаги ўрни. АҚШ Маҳкамаси ва федерал ижроия органлари тизими. АҚШ Конгресси: давлат бошқаруви тизимидаги ўрни ва тузилиши тартиби. Қўшма Штатларда давлат фуқаролик хизмати тизимининг хусусиятлари.

**21-мавзу. Германия Федератив Республикасида давлат ва муниципал бошқарув тизими фаолиятининг ташкилий-ҳуқуқий асослари**

Германияда давлат бошқарувининг объектив шарт-шароитлари. Давлат ҳокимияти олий органлари тизими. Германия Президенти: сайланиш тартиби, давлат бошқаруви тизимидаги ўрни. Германия Федерал Мажлиси. Бундесрат: давлат бошқаруви тизимида тутган ўрни, тузилиш тартиби, ваколатлари. Бундестаг: сайланиш тартиби, ваколатлари, давлат бошқаруви тизимидаги ўрни. Федерал Канцлер ва Вазирлар Маҳкамаси: тузилиш тартиби, ваколатлари, ҳукуматнинг қонун чиқарувчи тармоғи билан ўзаро муносабатлари. Германияда давлат фуқаролик хизмати.

**22-мавзу. Буюк Британия давлат бошқаруви ташкил этилишининг ўзига хос хусусиятлари.**

Буюк Британия Бирлашган Қироллигининг сиёсий тузилиши. Буюк Британиянинг сиёсий тузилиши унитар давлат ва конституциявий монархия тамойилларига асосланиши. Давлат бошлиғи. Буюк Британия парламенти: жамоатчилик палатаси; лордлар палатаси. Буюк Британиянинг сайлов тизими. Сайлов тизимининг ислоҳ қилинилиши. Ижро этувчи ҳокимият ва унинг функциялари. Буюк Британиянинг суд тизими: олий суд; апелляция суди; қироллик суди; барристерлар; графликлар суди; маъмурий судлар. Буюк Британиянинг давлат хизмати.

**23-мавзу. Замонавий Россия жамияти сиёсий тизимининг хусусиятлари.**

Россия Федерациясининг давлат тузилиши. Давлат ва муниципал бошқаруви тизими фаолиятининг конституциявий-ҳуқуқий асослари, шу жумладан Россия Федерациясининг асосий конституциявий хусусиятлари.Россия Федерацияси ҳудудий ташкил этилишининг ўзига хослиги. Россия Федерацияси федерал тузилмасининг хусусиятлари. Давлат суверенитети. Давлат қурилиши ва жамиятни ташкил этишда миллий компонент. Россия парламенти ва кўппартиявийлик тизими. Россия Федерацияси сайлов тизимининг хусусиятлари.

**24-мавзу. Замонавий Япония мамлакатининг сиёсий тизими.**

Япония сиёсий маданиятининг қадриятлари ва моҳияти:шаклланиш омиллари.Япония конституцияси: 1889 йилдаги ва 1947 йилдаги конституциялар. Замонавий Япония давлат тизимида император институти ва

**17-мавзу. Жамиятнинг сайлов тизими. Сайлов сиёсий институт сифатида.**

Сайлов институти турли даражадаги давлат органларига сайловлар, шунингдек, давлатда президентлик курсисини сайлаш тартибини амалга ошириш институти сифатида. Сайлов тушунчаси ва унинг моҳияти. Эркин демократик сайловларнинг асосий тамойиллари ва функциялари. Сайлов тизимининг таркибий қисми: сайлов ҳуқуқи; сайлов жараёни. Сайлов цензлари (чекловлари). Сайлов жараёнининг босқичлари. Сайлов тизимларидавлатнинг сайланадиган органларини шакллантириш тартиби сифатида. Можаритар, пропорционал ва аралаш сайлов тизимлари. Замонавий сайлов тизимининг халқаро сайлов стандартларига асосланиши. Эркин сайловларни ўтказишда оммавий ахборот воситаталарининг роли.

**18-мавзу. Сиёсий маданият.**

Сиёсий маданият-ҳар бир сиёсий тизимнинг ўзига хос хусусиятларини акс эттириб, сиёсий ҳаракатга йўналтиришнинг алоҳида тури сифатида.Сиёсий маданият тушунчаси, унинг пайдо бўлиш тарихи. Сиёсий маданиятнинг сиёсий фикрлар ривожидаги ўрни. Сиёсий маданиятнинг функциялари. Сиёсий маданиятнинг турлари. Сиёсий иштирок ва сиёсий маданиятнинг хусусиятлари. Сиёсий иштирокнинг ва сиёсий жараёнларнинг ўзига ҳослиги.

**19-мавзу. Халқаро муносабатларни тизимли ўрганиш.**

Халқаро муносабатлар тизимининг шаклланиши тушунчаси ва тарихи. Халқаро муносабатлар тизимининг эволюцияси: халқаро муносабатларнинг Вестфалия, кучлар мувозанати, халқаро муносабатларнинг икки қутбли тизимлари. Замонавий жаҳон сиёсий тизимининг хусусиятлари: бир қутбли ва кўп қутбли дунё моделлари. Сиёсий реализм халқаро муносабатларни амалга ошириш тамойили сифатида. М.Капланнинг халқаро тизимларнинг гипотетик типологияси: кучлар мувозанати тизими, мослашувчан икки қутбли тизим (иерархик ва иерархик бўлмаган), қаттиқ икки қутбли (биполяр) тизим, универсал тизим, ягона вето тизими. Халқаро тизимларни барқарорлаштириш қоидалари. Замонавий халқаро муносабатлар тизимининг динамикаси тенденциялари.

**20-мавзу. АҚШ давлат ва муниципал бошқаруви тизими фаолиятининг ташкилий-ҳуқуқий асослари.**

Акшда давлат бошқарувининг объектив шарт-шароитлари. АҚШнинг



асосий йўналишлари ва давлат курси ўртасидаги боғлиқлик. Давлат сиёсатини амалга оширишда тартибга солиш ва институтлаштиришнинг роли. Сиёсий тизимнинг “чиқиш” ларини тизимли баҳолаш омиллари.

**7-мавзу. Сиёсий тизимлар типологияси.**

Сиёсий тизимлар типологиясининг мезонини аниқлаш муаммоси. Очиқ ва ёпиқ сиёсий тизимлар. Сиёсий тизимларнинг сиёсий режимлар турига кўра таснифи. Сиёсий тизимларнинг Г.Алмонд, Ж. Блондел, Д. Берг-Шлоссер, Х.Майер ва Т.Штаменнларга кўра таснифи; Д.Аптера, Ш.Айзенштадтларнинг сиёсий тизим таснифи. Ч.Эндрейннинг комплекс типологияси. Г.Алмонд, Б. Пауэлл, Г. Лассуэлл, А. Капланларнинг сиёсий тизимларнинг чизиқли типологиялари. Сиёсий тизимларнинг мувофиқлаштирувчи типологиялари. Р.Даль ва А.Лейпхартларнинг икки ўлчовли ва кўп ўлчовли мувофиқлаштириш типологиялари. Замонавий сиёсий тизимларнинг қиёсий таҳлили. Турли сиёсий тизимларни қиёсий таҳлил килишда диахрон ва синхрон ёндашувлар.

**8-мавзу. Ўтиш типидаги сиёсий тизимлар.**

Ўтиш даври сиёсий тизими тушунчаси. Сиёсий ривожланиш тушунчасининг концептуал ёндашувлари. Сиёсий ривожланиш, сиёсий ўзгаришлар ва ижтимоий тараққиёт. Ўтиш даври сиёсий жараёнлари муаммолари. Сиёсий тараққиёт анъанавийликдан индустриал жамиятга ўтиш жиҳати сифатида. Модернизация: асосий тушунчалар. Модернизациянинг тарихий тажрибаси. Модернизациянингцикллари ва тўлқинлари. Модернизациялаш лойиҳаларининг турлари. Сиёсий ривожланиш ва модернизация ўртасидаги муносабатлар. Модернизациялаш сиёсати ва сиёсатнинг модернизациялашуви.

**9-мавзу. Демократик транзит муаммолари.**

Модернизация шароитида демократлаштириш муаммолари. Модернизация босқичлари ва ундаги асосий карама-қаршиликлар (Ф.Шмиттер, А.Пшеворский). Иштирок етиш, легитимлаштириш, тақсимлаш, идентификациялаш инқирозлари. Модернизация ва ғарбий бўлмаган сиёсий жараён. Модернизациялаш парадигмасининг инқирози. Постсоциалистик жамиятлардагитрансформация муаммолари. Транзтология ва транзит назариялари. Постсоциалистик жамиятларнинг трансформациялашуви жараёнларида иқтисодиёт ва сиёсат ўртасидаги муносабатлар. Постмодернлик ва сиёсий модернизация мезонларининг мураккаблашуви.

**10-мавзу. Давлат ижтимоий-сиёсий тизимларнинг субъекти сифатида. Сиёсий режимлар (тартиботлар).**

Давлатнинг конституциявий тузилиши ва ҳуқуқий тизим асослари. Қонун чиқарувчи, ижро етувчи ва суд ҳокимияти органларининг фаолият кўрсатиш тамойиллари. Марказда ва жойларда ҳукуматнинг барча тармоқларининг тузилиши ва фаолияти. Сиёсий режимлар типологияси: тоталитаризм, авторитаризм, демократия.

**11-мавзу. Жамият сиёсий тизимининг тузилмавий компонентлари.**

Институционал: давлат, сиёсий партиялар, ижтимоий-сиёсий ҳаракатлар ва бошқа сиёсий институтлар. Меъёрий: конституция ва қонунларда, партия дастурларида, сиёсий бирлашмаларнинг уставларида ҳамда сиёсатда хулқ-атвор қоидаларини белгиловчи тартибларда мужассамлашган ахлоқий меъёрлар.сиёсий тамойиллар, сиёсий анъаналар. Функционал: сиёсий фаолият йўналишлари ва шаклларини, ҳокимиятни амалга ошириш методларини ўз ичига олади. Коммуникатив: сиёсий тизимнинг қуйи тизимлари ўртасида; жамиятнинг сиёсий тизими ва бошқа қуйи тизимлари (ижтимоий ҳаёт соҳалари) ўртасида: иқтисодий, ижтимоий ва бошқалар; турли мамлакатлар сиёсий тизимлари ўртасида алоқа ва ўзаро таъсирнинг йиғиндисидир. Маданий-мафкуравий: сиёсий психология, сиёсий мафкура, сиёсий маданият.

**12-мавзу.Сиёсий партиялар жамиятсиёсий тизимининг ажралмас қисми сифатида.**

Сиёсий партия тушунчаси ва моҳияти. Сиёсий партиялар сиёсий тизимнинг ажралмас қисми сифатида.Партиявий тизимларнинг типологияси. Партиялар таснифи. Сиёсий партияларнинг ҳуқуқий асослари. “фракция”, “мухолифат”, “электорат” тушунчаларининг моҳияти. Сиёсий партияларнинг демократик институтлар ривожланишидаги ўрни ва аҳамияти.

**13-мавзу. Парламентаризм институтининг жамият сиёсий тизимини ривожидаги роли. (Парламентаризм сиёсий ҳокимият легитимлигининг омили сифатида).**

Парламентаризм институтининг моҳияти, замонавий жамиятда давлат ҳокимиятининг вакиллик органини шакллантириш, у томонидан қонунийлик вазифасини бажариш билан боғлиқ муносабатларни тартибга солишдаги роли. Парламентаризм институти фаолияти: асосий ҳуқуқий нормалар - муайян давлатнинг барча фуқаролари учун мажбурий бўлган қонунларни шакллантириш; мамлакатда жамиятнинг турли гуруҳлари манфаатларини ифодалаш. Парламентаризм институтини меъёрий тартибга солиш масалалари: парламент ваколати, уни шакллантириш тартиби, депутатлик ваколатлари, уларнинг сайловчилар ва умуман аҳоли билан ўзаро муносабати характери.

**14-мавзу. Жамиятнинг ижро этувчи органлари тизими.**

Ижро этувчи ҳокимият – давлатнинг мустақил ҳокимият органларидан бири. Давлатнинг ижро этувчи институти қонунда мустаҳкамланган давлат сиёсатининг мақсад ва вазифаларини амалга оширувчи ташкилий ва функционал механизмлар мажмуидир.Ижро этувчи ҳомият тушунчаси ва моҳияти. Ижро этувчи ҳокимият органлари. Ижро этувчи ҳокимият ваколатлари. Ижро этувчи ҳокимият белгилари ва функциялари. Ижроия ҳокимияти жамият ишларини жорий бошқаришни амалга оширувчи орган сифатида.

**15-мавзу. Давлат бошлиғи (президентлик) институти.**

Президентлик институти тушунчаси ва унинг моҳияти.Президентнинг замонавий сиёсий тизимлардаги конституциявий-ҳуқуқий мақоми ва аҳамияти. Президентнинг умумий белгилари.Президентлик моделларининг таснифи. Бошқарув шаклига кўра президентлик, аралаш ва парламентар давлатларнинг ўзига хос хусусиятлари ва уларда президент ваколатлари. Президент-мамлакат раҳбари, халқ номидан сўзлаш, давлат органлари тизимида ҳакамлик ролини бажарувчи, мамлакат яхлитлигини, одамларнинг конституциявий ҳуқуқлари дахлсизлигини кафолатлаш имконини берувчи жамиятдаги муносабатларни такрор ишлаб чиқариш барқарорлигини таъминловчи шахс сифатида.

**16-мавзу. Суд ҳокимияти институтлари.**

Суд ҳокимияти ҳокимиятнинг уч асосий тармоқларидан бири сифатида. Суд тизимининг конституциявий белгилари. Суд ҳокимияти органлари. Суд ҳокимиятининг асосий функциялари.Суд ҳокимияти институтлари конституциявий, маъмурий, фуқаролик ва жиноий иш юритиш тизими сифатида ифодаланиши.Замонавий жамиятларда суд-ҳуқуқ тизимини ҳокимиятнинг қонун чиқарувчи ва ижро этувчи тармоқларидан мустақил ва автоном фаолиятини таъминлаш механизмларини ривожлантириш масалалари.